



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор.

Келишев Зайниддин Музаффар ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 313-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17746386>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> November 2025  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2025  
Published: 28<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

*Профилактика  
инспектори, навбатчилик  
қисми, хуқуқбузарликларни  
профилактика қилиш,  
ҳамкорлик, ички ишлар  
органлари, олдини олиш,  
самарадорлик.*

### ABSTRACT

*Мақолада профилактика инспекторининг  
хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида  
навбатчилик қисми билан ўзаро ҳамкорлигини  
такомиллаштиришнинг аҳамияти ва усуллари  
ёритилади.*

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликларни профилактика қилишда профилактика инспекторлари фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Навбатчилик қисми билан самарали ҳамкорлик орқали хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тезкорлик билан фош этиш ҳамда содир этилиши мумкин бўлган воқеаларни олдини олиш имкониятлари кенгайди. Бу ҳамкорлик, айниқса, телефон, рация ва бошқа тезкор алоқа воситалари орқали туну кун самарали алоқани таъминлашда аҳамиятлидир.

Бугунги кунда хуқуқбузарликларнинг янги кўринишлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларга мослашган ҳолда содир этилиши усуллари мураккаблашуви профилактика инспекторлари ва навбатчилик қисми ҳамкорлигини ривожлантириш, замонавий усул ва шаклларни қўллашни тақозо қилмоқда. Шу боис, ушбу мақолада профилактика инспектори ва навбатчилик қисми ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари, мавжуд муаммолар ва уларни такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя

қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] ги ПФ-5005-сон Фармонида қуйидагилар келтирилган эди:

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар мазкур вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлиб келаётган ҳолатларга тўхталадиган бўлсак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги

ПФ-5005-сонли “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [2] ги Фармонида Хусусан, 9 та камчилик ва 10 та устувор йўналиш белгиланган эди.

Ушбу камчилик ва устувор йўналишларни ижроси юзасидан Президентимизнинг 2017 йил 29 ноябрда “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [3] ги ПҚ-3413-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, ички ишлар органларида хизматни ташкил этиш ва назорат қилиш тизими тубдан такомиллаштирилди. Жумладан ички ишлар органларининг Навбатчилик қисми фаолияти қайта кўриб чиқилди.

Қарорнинг 10-боби “Хизмат ўташ режими” да белгиланганидек:

- одимлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда белгиланган мажбуриятларни бажарадилар ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар.
- Ходимларнинг ҳафталик иш вақти қирқ соатдан ошиши мумкин эмас, зарур бўлган ҳолларда улар кучайтирилган ёки суткалик режимда хизматга жалб этилиши мумкин.
- Одатдаги хизмат режими олти кунлик иш ҳафтасини назарда тутуди, кунлик иш давомийлиги етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – саккиз соатдан ошмаслиги лозим.

- Кучайтирилган режимда кунлик иш вақтидан ташқари тўрт соатдан ошмайдиган хизмат белгиланади, суткалик режимда эса уч маҳал овқатланиш ва камида саккиз соат дам олиш учун вақт берилган ҳолда йигирма тўрт соатлик хизмат кўзда тутилган.
- Суткалик режимда ходимларга хизмат ўтиш жойида озиқ-овқат берилиши ва иш соатлари нормасидан ортиқ бўлган ҳолларда компенсация ёки дам олиш кунли белгиланиши кўзда тутилган.
- Навбатчилик қисми ходимларига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа дам олиш учун уч сменалик режимда — олти соат, тўрт сменалик режимда — тўрт соатлик танаффуслар берилади.
- Суткалик режимда навбатчиликка тушган ходимларга навбат тугагандан сўнг камида 24 соатлик дам олиш берилади.

Ушбу тартиблар профилактика инспектори ва навбатчилик қисми ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва содир этилган ҳолатларни тезкор фош этишда муҳим аҳамият касб этади. Навбатчилик қисми ва профилактика инспектори ўртасидаги узлуксиз алоқа, телефон ва рация орқали тезкор маълумот алмашиш ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда самарадорликни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” [4] ги 2018 йил 23 августдаги ПК-3919-сонли қарорига мувофиқ, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида жалб этилган куч ва воситаларнинг хизмат фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш учун Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва ходимларининг тизимли масъул навбатчилиги йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлиги 2023 йилда тегишли буйруқ қабул қилиб, марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалар бўйича суткалик навбатчилик тизимини янада ривожлантирди. Унга кўра, ҳар ойда навбатчиликка масъул раҳбар ходимлар аниқланиб, уларнинг навбатчилик тартиблари белгиланади ва мувофиқ идоралараро марказларга тақдим этилади.

Ушбу тартиб профилактика инспектори ва навбатчилик қисми ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилган ҳолатларни тезкор фош этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, навбатчилик ва профилактика инспектори ўртасида телефон ва рация орқали тезкор алоқа ҳамда маълумот алмашиш ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон.
3. 2017 йил 29 ноябрда “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2018 йил 23 августдаги ПК-3919-сонли қарори ПҚ-3786